ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

# ГЎШТ, СУТ ЕТИШТИРИШНИ ҚИШ ДАВРИДА ҲАМ КАМАЙТИРМАЙЛИК

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ РАЙОН «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ ФЕРМАСИДА ЎТКАЗГАН ДАВРА СУҲБАТИДАН

## ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

**КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида чорвачиликдаги эришилган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, ютуқларни кўпайтириш учун барча зарур тадбирларни амалга оширишни алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу ерда гап чорва моллари маҳсулдорлигини, энг аввало, поданинг сифатини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, мавжуд ем-хашаклардан тежамли фойдаланиш тўғрисида бормоқда. Бу масалага қишлов даврида, айниқса, катта эътибор бериш талаб этилади. Айни кунларда ферма ва комплексларда белгиланган ҳар бир тадбирнинг ўз вақтида ва бекаму-кўст амалга оширилишига эришиш ғоят муҳимдир. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, қишлов кундалик эътиборни талаб этади. Ферма ва комплексларда чорвага хизмат қилувчи ҳар бир соҳа иши аъло даражада ташкил этилиши керак. Ферма ходимлари фидокорона меҳнат қилиш билан бирга зарбдор тармоқни жадал ривожлантириш учун ишлаб чиқаришга фан ютуқлари, илғор тажрибаларни, прогрессив иш усулларини дадиллик билан жорий этишлари ва шу асосда қишлов даврида ҳам чорва молларидан мўл-кўл маҳсулот олинишини таъмин этишлари лозим.**

**Шу мақсадда илғор хўжаликлар, фермалар базасида амалий семинарлар, тажриба алмашишга бағишланган учрашувлар ўтказиб туриш умумий ишга, албатта, катта фойда келтиради.**

**Яқинда ана шундай учрашувлардан бири Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг сут-товар фермасида бўлиб ўтди. Учрашувда райондаги хўжаликларнинг ферма ва комплекслари ходимлари, мутахассислар иштирок этдилар. Улар ўзаро тажриба алмашдилар, қимматли фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.**

## МУТАХАССИС МАСЪУЛИЯТИ



**С. САИДАКБАРОВ,**
**Тошкент район агросаноат бирлашмаси бош ветврачи**

ФЕРМА ва комплексларда зооветеринария хизматининг юксак савияда бўлишини таъминлаш қишловни муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шартларидандир. Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, молларни боқиш ва парвариш қилишда қаерда зооветеринария талабларига яхши амал қилинаётган бўлса, ўша ерда яхши натижаларга эришилмоқда. Бунга «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозини мисол қилиб келтириш мумкин. Хўжалик комплексида чорва молларини озиқлантиришнинг қатъий режими ишлаб чиқилган ва унга амал қилинмоқда. Қорамоллар озуқа цехида тайёрланиб, турли хил микроэлемент ва витаминлар билан бойитилган ем-хашак билан боқилмоқда. Сув илитиб берилади. Хўжалик ветврачи Муслим Рихсибоев озуқа рационини доимо назоратдан ўтказиб туради. Турли касалликларга қарши молларни эмлаш ишлари ҳам вақтида амалга оширилади. Сигирлар ҳар куни албатта маълум вақтда яйратилади. Бу қиш даври учун, айниқса, муҳим тадбирдир. Шунинг учун ҳам колхозда чорва моллари маҳсулдорлиги қишқировли кунларда ҳам юқори бўлаётир.

«Ленин йўли», Собир Раҳимов номли колхозлар, «Тошкент», «Ленинград» совхозлари ва бошқа хўжаликларнинг чорвадорлари ҳам «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози тажрибасини қўллаб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Буларда ҳам моллар яйратиладиган кенг майдончалар қуриб қўйилган.

Бу хўжаликларда ҳам санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинмоқда.

Бироқ, РАПО мутахассислари томонидан ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, ҳамма ерда ҳам молларни зооветеринария тартиб-қоидаларига амал қилинган ҳолда парваришлаш ишлари талаб даражасида эмас. Шу совуқ кунларда айрим фермаларда дезинфекция тўсиқлари йўқ. Молларни эмлаш ўз вақтида амалга оширилмаяпти. Масалан, Охунбобоев номли колхоз ва бошқа баъзи бир хўжаликларнинг фермаларида ҳалигача моллар яйратиладиган майдонларни кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлар. Шунинг учун ҳам бундай хўжаликларда молларни яйратиш имконияти деярли йўқ. Ваҳоланки, бундай камчилик молларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир этади. Ҳатто сигирларнинг қисир қолишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, бўғоз сигирлар яйратиб турилмаса, улардан соғлом бузоқ олиш мушкул бўлиб қолади.

Ҳамма ерда ҳам чорва молларига сувни илитиб бериш масаласи ҳал этилмаган. Айрим хўжаликларда сигирларга совуқ сув берилаётганлиги туфайли сигир бошига 100—150 граммдан кам сут соғиб олинмоқда. Ана энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Бу миқдорни 300—400 бош сигири мавжуд бўлган фермада ҳар бошга тақсимлаб, умумий натижа чиқарилса, қанчадан-қанча маҳсулот йўқотилади. Бу ҳам майли-я, сигирларга совуқ сув бериш оқибатида уларни шамоллатиб қўйиш ва ҳар хил касалликларга чалинтириш мумкин. Айрим мутахассислар ўз бурчларига садоқат билан муносабатда бўлмаётганликлари туфайли ана шундай камчиликлар содир бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарлари малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор беришларини истардик. Иқтидорли ёшлардан танлаб, техникум ва олий ўқув юртларига юбориш керак.

Яна бир масала. Чорва моллари учун зарур дори—дармонлар, медикаментлар баъзан етишмайди. Район территориясида бирорта ҳам зооветеринария дорихонаси йўқ. Биз «облзооветснаб» раҳбарларидан бу масалада ёрдам беришларини сўраймиз.

## МОЛЛАР ЗОТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК



**С. ШОКИРОВ,**
**«Ленин йўли» колхозининг бош зоотехниги**

ФЕРМАМИЗДАГИ молларнинг ҳаммаси қора-ола зотидан. Уларнинг маҳсулдорлиги юқори. Лекин шунга қарамай наслчилик ишларини тинмай яхшилаб бориш доимий диққат-эътиборимиздадир. Бу масалага ҳамиша биринчи даражали аҳамият бериб келмоқдамиз. Сигирлардан тўла бузоқ олиш, соғлом ўстириб, сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Айниқса, қиш пайтида молларни тўйимли ва хушхўр, витаминларга бой озуқалар билан боқиш учун зарур чора ва тадбирлар амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ёздагидек мўл-кўл маҳсулот олиш мумкин бўлади. Биз сутдан чиққан сигирларни тўғри парваришлашга алоҳида эътибор берамиз. Улар туғишидан икки ой олдин группаларга ажратилади.

Фермамизнинг осеменатори Рустам Муҳамедов билан биргаликда бўғоз сигирларнинг ҳолатини доимий назоратдан ўтказиб турамиз. Бу сигирларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳисоб дафтари тутилади.

Ҳозирги кунда сутдан чиққан сигирлар группасида 55 та мол боқилмоқда. Уларни молбоқарлардан Рихсибой Тошпўлатов ва Тоҳир Зокиров ўртоқлар парвариш қилмоқдалар. Иш икки сменада ташкил этилган. Молбоқарларимиз озиқлантириш режимига қатъий амал қиладилар. Сигирларга сув албатта илитиб берилади. Сутдан чиққан сигирлар учун махсус рацион белгиланган бўлиб, бу рационга беда пичани, лавлаги ва концентрат озуқалар киритилгандир. Силос, сенаж сингари ширали озуқалар рационга қўшилмайди. Чунки бундай озуқаларнинг кислотаси кўп бўлиб, у бўғоз сигирлар учун зарарли ҳисобланади.

Моллар боқувини тўғри ташкил этиш ва зооветеринария хизматининг юксак савияда йўлга қўйилаётганлиги учун ҳам сигирлардан соғлом бузоқ олишга муваффақ бўлмоқдамиз. Шу йилнинг ўзида 279 та бузоқ олинди. Ҳар 100 бошга 85 тадан тўғри келди. Йил охиригача 92 тадангa етказамиз.

Қиш даврида туғилган бузоқларни тўла сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Энг биринчи навбатда уларни озиқлантириш режимига қатъий амал қилинади. Ветеринар врачлар назоратни кучайтирадилар. Р. Файзиева, Т. Турсунова, Х. Абдуллаева сингари бузоқбоқарларимиздан ғоят миннатдормиз. Улар ўз ишларини аъло даражада бажармоқдалар. Шунинг учун ҳам туғилган бузоқлар тўла сақлаб қолиниб, соғлом ўстирилмоқда. Бузоқхоналар иситилган, тоза, озода. Бузоқлар дуркун ривожланмоқда, кун сайин этига эт қўшилмоқда. Улар икки группага ажратилиб, парвариш қилинмоқда. Биринчи группага бир ойликдан олти ойликкача бўлган бузоқлар, иккинчи группага олти ойликдан икки ёшгача бўлган бузоқлар қўйилади. Шундай қилиб, биз фермадаги сигирлар сонини ўзимизда боқилаётган наслли моллардан олинган бузоқлар ҳисобига ўстириладиган ғунажинлар ҳисобига тўлдириб бормоқдамиз. Масалан, бу йил подадаги сигирлар сонига биринчи марта бузоқлайдиган 52 бош, кейинги йили эса 70 та ғунажин қўшилади. Эндиликда ҳатто қўшни хўжаликларга ҳам наслли сигирлар етказиб бериш имкониятига эгамиз.

Ўтган ўн бир ой давомида ҳар бош соғин сигирдан 3254 килограммдан сут соғиб олинди. Йил охиригача бу миқдорни яна кўпайтирамиз.

## БАРАКА—МЕҲНАТГА БОҒЛИҚ



**С. НИЗОМОВА,**
**Навоий номли колхоз сут соғувчиси**

МЕН йигирма йилдан буён сут соғувчилик қилиб келмоқдаман. Ўрта мактабни битириб фермага келгандим. Аввалига ишим бироз юришмади, қовушиб кетолмадим. Тўғри, уйда ҳам онамларга қарашиб, сигир соғиб турардим. Фермада ишни тез ўзлаштириб оламан, деб ўйлагандим. Лекин кўп меҳнат қилишга тўғри келди. Устозларимга минг раҳмат. Қийналган пайтларимда улар менинг кўнглимни кўтаришди, ҳеч бир эринмасдан тажрибаларини ўргатишди. Эндиликда мен ҳам устоз бўлиб қолдим. Шогирдларим бор. Уларни ҳам қунт ва ихлос билан меҳнат қилишга ўргатмоқдаман.

Бизнинг ишимизда майда-чуйда бўлмаслиги керак. Ҳар бир тадбирни ўз вақтида ва тез амалга ошириш талаб қилинади. Ана шунда муваффақиятга эришиш мумкин. Масалан, сигир соғишни олиб кўрайлик. Бу ишни ҳар доим белгиланган вақтда амалга ошириш керак. Бироз вақтни бой бериб, сут соғишга киришдингми, сигир безовталанади, мўлжалдаги сутни соғиб ололмайсан. Худди шунингдек, сигирларга озуқани ҳам белгиланган вақтдан кечиктирмасдан бериш керак. Бу, айниқса, қиш мавсумида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Чорвадор ҳеч вақт унутмаслиги керак, ишда бироз лоқайдлик қилиб, сигирнинг маҳсулдорлигини камайтириб юбордингми, кейин бу камоматнинг ўрнини қоплаш, сигирни аввалги ҳолига қайтариш учун кўп вақт, ортиқча озуқа сарф қилишга тўғри келади.

Сигирга озуқани унинг маҳсулдорлигига қараб берган маъқул. Мен группамдаги айрим сигирлардан кунига 18—20 литрдан сут соғиб оламан. Шунинг учун ҳам уларга озуқани бошқаларга қараганда кўпроқ беришга ҳаракат қиламан. Тўғри, бизда озуқани тарқатиш механизация воситасида амалга оширилади. Охурларга бир хил миқдорда озуқа солиб кетилади. Лекин сигирнинг кўп сут беришига қараб баъзан биз сут соғувчилар, лавлаги, барда, концентрат сингари озуқаларни ўзимиз молларга тарқатамиз. Шунинг учун ҳам бундай сигирлардан кўп сут соғиб олишга эришамиз.

Шу кунларда ҳар бош соғин сигирдан мен кунига ўртача 12—13 килограммдан сут соғиб олмоқдаман. Йиллик планимни муддатидан илгари бажардим. Эндиликда мажбурият ҳисобига сут топширмоқдаман. Йил охиригача ҳар бош соғин сигирдан олинадиган сутни 4500 килограммга етказишга ҳаракат қиламан.

Мен сут соғувчининг иш шароити ҳақида айрим мулоҳазаларни айтмоқчиман. Тўғри, меҳнатимиз анча тиғиз ва мураккаб. Катта куч сарфлашни, маҳоратни талаб этади. Иш кунимиз жуда эрта бошланади, деярли кун бўйи, қоронғу тушгунга қадар фермада бўламиз.

Фермамизда дам олиш уйи бор. Лекин биз душхона, кийим иладиган хоналар ҳам бўлишини истар эдик.

Фермадаги мутахассислар яхши бўлса, ўз ишини билиб қилса сут соғувчилар, молбоқарларнинг иши енгиллашади. Лекин афсуски, бизнинг фермамизда мутахассислар тез-тез алмашиб туради. Биз уларнинг муқим ишлашини хоҳлаймиз.

Иккинчи масала фермада кўп ишлар механизация ёрдамида бажарилади. Механизациянинг бетўхтов, унумли ишлаши эса асосан электр қувватига боғлиқ. Афсуски, бизда тез-тез электр ўчиб туради. Ана шундай пайтларда баъзан кечқурунлари сигирларни қўлда соғишга тўғри келади. Бу соҳада ҳам қатъий тартиб ўрнатилса, деган ниятдамиз.

## ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ БИЛИБ ҚИЛСА



**Н. ЭРГАШЕВ,**
**«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг ферма мудири**

ЧОРВА ҚИШЛОВИ қачондан бошланади? Айримлар бу саволга совуқ тушган кунлардан бошланади-да, деб жавоб беришади. Аслида ундай эмас. Фермаларда қишлов молларнинг оғзи кўкдан чиқиб, қуруққа теккан кундан, яъни 1 октябрдан бошланиб, май ойигача давом этади. Ана шу даврда молларнинг маҳсулдорлигини камайтирмаслик, қишловдан соғлом ва беталафот олиб чиқиш учун фермадаги ҳар бир ходим, ҳар бир касб эгаси ўз ишини билиб қилиши керак. Энг муҳими, сифатли ем-хашак таъминотида узилиш бўлишига йўл қўймаслик лозим. Ана шунда моллар ўз вазнини йўқотмайди. Демак, сутини, маҳсулдорлигини камайтирмайди.

Фермамиздаги ҳамма ишлар ана шу мақсадга бўйсундирилгандир. Аввало, молларнинг сони, эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда ем-хашак тайёрланади. Сўнгра унинг сифатли сақланиши тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинади. Бу иш билан хўжалик раҳбарларидан тортиб, молбоқарларгача шуғулланадилар.

Фермамизда кучли озуқа цехи узлуксиз ишлаб туради. Молларга озуқалар, албатта, қайта ишловдан ўтказилиб, сўнгра едирилади. Шунинг учун ҳам бизда нушхўрд жуда кам бўлади. Масалан, ҳар куни молларга ўртача 25 тонна силос берилади. Бу силосдан тахминан 6—7 тоннаси ейилмай қолади. Молбоқарларимиз бу чиқиндиларни охурлардан исроф қилмай йиғиштириб оладилар ва у АВМ агрегатларига солиниб, ун қилинади. Унга озроқ ем қўшилиб, аралаштирилади ва атала ҳолига келтирилгач яна молларга берилади. Бу қўшимча резерв бошқа озуқаларни кўплаб миқдорда тежаб қолиш имкониятини бермоқда. Демоқчиманки, ҳар бир фермада албатта АВМ агрегатлари бўлиши шарт. Тўғри, бу агрегат бирмунча қимматга тушади. Лекин бир мавсумнинг ўзидаёқ тежалган озуқа қиймати ҳисоблаб чиқилса, харажатларнинг ўрнини бемалол қоплаш мумкин бўлади.

Мен юқорида молларнинг семизлигини оз бўлса-да, йўқотмаслик керак деб айтдим. Бунга эришмоқ учун қишлов даврида ҳар ким ҳушёр туриши, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши лозим. Айниқса, қиш қаттиқ келаётган бу йилги шароитда молларнинг тагини захо босишига асло йўл қўймаслик, шу мақсадда тез-тез қипиқ сепиб туриш керак. Акс ҳолда мол захни енгиш учун кўп қувват сарф қилади. Демак, озуқанинг бир қисми исроф бўлади. Совуқ кунларда молларни очиқ ҳавода яйратиш муддати қисқароқ бўлгани мақсадга мувофиқдир. Бир сўз билан айтганда, фермада мавсум масъулиятини ҳар жиҳатдан ҳисобга олинган ҳолда қатъий график ва тартиб асосида иш юритиш лозим. Биз шундай қилмоқдамиз. Шунинг учун ҳам сут, гўшт етиштириш ва давлатга топшириш планларимиз муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Чорвадорларимиз юбилей йили мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

## БУЗОҚЧИЛИКДАН БОШЛАНАДИ



**Р. ТЕМИРОВА,**
**Собир Раҳимов номли колхоз бузоқбоқари**

ХЎЖАЛИГИМИЗ чорвачилик комплекси бузоқчиликка ихтисослаштирилган. Биз ҳар йили колхоз ва совхозлардан 15—20 кунлик бузоқларни олиб, парваришлаймиз. Улар ғунажин бўлиб етишгач яна ўша колхоз ва совхозларга юборилади. Кўриниб турибдики, бизнинг зиммамизга ғоят масъулиятли вазифа юклатилган. Чунки бузоқ ёшлигидан тўйдирилиб боқилса, соғлом қилиб ўстирилса, келажакда, албатта, яхши, серсут сигир бўлиб етишади.

Бизда бузоқлар уч группага бўлиниб парваришланади. Мен иккинчи группадаги бузоқларга қарайман. Айни кунларда 50 бош бузоқни парваришлаяпман. Бу бузоқлар саккиз ойга тўлгач учинчи группага ўтказилади. Зоотехникларимиз, ветврачларимиз билан маслаҳатлашиб, қатъий режим асосида иш олиб бораман. Бу режимнинг оз бўлса-да, бузилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қиламан, бор тажриба ва маҳоратимни ишга соламан. Эрталаб соат олтида бузоқларнинг таги бир сидра тозалаб чиқилади, сўнг хашак солинади. Соат 10 да нормадаги ем берилади, сут ичирилади. Агар кун исиб кетса, соат 12 дан бешгача яйратилади. Сўнг сенаж, силос берилади.

Шу кеча-кундузда ҳар суткада бузоқларнинг этига 600 граммдан эт қўшилмоқда. Бир килограммга семиртириш учун олти килограмм озуқа бирлиги сарф қилиняпти. Бу нормал ҳисобланади. Шогирдларим Қумри Зулфиқорова, Умрия Маҳамаджоновалар ҳам яхши меҳнат қилмоқдалар. Умуман, колхозимиз бўйича 1066 бош бузоқ боқилмоқда. Биз бузоқбоқарлар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бузоқчилик истиқболи билан боғлиқ бўлган айрим масалаларни айтиб ўтмоқчиман. Тажрибадан маълумки, сутга яхши тўймаган, нимжон, касалманд бузоқлардан яхши сигир чиқишига умид боғлаш қийин. Афсуски, айрим хўжаликларда бу масалага эътибор берилмайди. Улардан келаётган бузоқлар кўпинча нимжон, касалманд бўлади. Афтидан улар барибир биз боқмаймиз-ку, ўзлари яхшилаб парваришлашади, деб ўйлашса керак. Тўғри, бизда ҳамма имконият бор. Ветврачларимиз, зоотехникларимиз ҳар бир бузоқ атрофида парвона бўлишади, нимжон бузоқлар алоҳида группага ажратилиб, рациони кучайтирилиб парваришланади. Касалликларга қарши дори-дармон қилинади. Оқибатда уларни соғлом қилиб оламиз. Лекин анча кўп меҳнат сарф қилишга тўғри келади-да. Шунинг учун ишни бошидан пухта қилган маъқул. Ҳар бир хўжаликда сигирлардан соғлом ва дуркун бузоқ олишга эришиш учун зарур тадбирларни амалга ошириш керак. Чорвачилик бузоқчиликдан бошланади. Бузоқни алдаган ўзини алдайди, буни унутмаслик керак.

## ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН



**М. ТОЖИХОНОВ,**
**Охунбобоев номли колхоз ферма мудири**

ҲАР КУНИ фермага келгач, ишни озуқа цехини айланишдан бошлайман. Механиклар, слесарлар билан суҳбатлашаман. Цехнинг тўла қувват билан ишлашига ишонч ҳосил қилганимдан сўнггина бошқа юмушлар билан шуғулланишга киришаман. Бу табиий, албатта. Ҳозирги пайтда, айниқса, қиш кунларида бирорта ферманинг фаолиятини озуқа цехисиз тасаввур қилиш қийин. Озуқа цехлари мавжуд ем-хашаклардан тежамли фойдаланиш, оз сарфлаб, мўл-кўл маҳсулот олишда ғоят катта қимматга эгадир.

Бундан беш-олти йил илгариги аҳволни сира ёдимдан чиқармайман. У пайтда цех йўқ эди. Қишловга мўл-кўл ем-хашак жамғарардиг-у, лекин баъзи йиллари у етишмай қоларди. Негаки, дағал хашаклар молларга майдалаб берилмасди. Натижада кўп исроф бўлиб, нушхўрдга чиқиб кетарди. Биз хўжалик раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, замонавий типдаги озуқа цехи қуришга киришдик. Бу иш қисқа фурсатда амалга оширилди. Шундан сўнг фермада ишлар жадал юришиб кетди. Маҳсулдорлик кўтарилиб борди. Сутнинг сорти ортди. Жоннинг роҳати экан озуқа цехи.

Биз бу цехни ёз вақтида ишга шай қилиб қўямиз, обдон текширишдан ўтказамиз. Шунинг учун ҳам қишлов даврида у бетўхтов ва унумли ишлайди. Ҳар куни ўртача 20 тонна аралаш озуқа тайёрланади. Бу фермамиздаги молларнинг эҳтиёжини тўла қоплайди. Озуқа составида силос, сенаж, лавлаги, маккажўхори сўтасининг майдаси, беда пичани ва бошқа микроэлементлар, минерал моддалар бор.

Айтгандай, илгарилари минерал моддалар ва тузларни молбоқарларимиз қўлда охурларга сепиб чиқишар эди. Табиийки, бунда бир жойга тушса, иккинчи жойга тушмасдан қоларди. Механигимиз Рихсибой Қосимов таклифи билан бу йил озуқа цехи қайта реконструкция қилинди. Натижада минерал моддалар ҳам автоматик равишда озуқага аралаштирилмоқда. Тайёр озуқа махсус механизмларда молларга тарқатилмоқда.

Умуман, фермада кўп меҳнат талаб қиладиган ишларнинг деярли ҳаммаси механизациялаштирилган. Шунинг учун ҳам сут соғувчилар, молбоқарлар иши унумли бўлаётир. Мавжуд сигирлардан ҳар куни 1400—1500 литрдан сут соғиб олинмоқда. Белгиланган планни эрта-индин бажариш арафасида турибмиз.

Лекин ишимизга, механизациядан янада унумли фойдаланишга, самарадорликни оширишга халақит бераётган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозир фермамизда сигирхоналардаги гўнгни ташқарига чиқариб ташлайдиган ТСН маркали 6 та механизм ишлаб турипти. Лекин бу механизмларнинг транспортёрлардан келадиган гўнгни чиқариб берадиган қисми тез ишдан чиқиб қолади. Шундай пайтда ундан фойдаланиш мумкин бўлмайди. Иш тўхтайди. Лекин керакли запас қисмни «Сельхозтехника»нинг омборларидан топиш амри-маҳол. «Сельхозтехника» ходимлари бизга бундай запас қисмлар келмайди, деб жавоб беришади. Кимга мурожаат қилишни билмай қоламиз. Ана шундай механизмлар заводлардан юборилаётганида қўшимча запас қисмлари билан жўнатилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Давра суҳбати ҳисоботини Н. Рихсиев, В. Шабалин тайёрладилар.**

---

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «БОНГ УРАМИЗ!» РУБРИКАСИ ОСТИДА ЧИҚҚАН МАТЕРИАЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

**БЎКА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Т. ИСЛОМОВ:**

**— Бўка район партия комитети газетанинг шу йил 5 декабрь сонида эълон қилинган танқидий материалда билдирилган фикрлар тўғри эканлигини хабар қилади. Ҳақиқатан ҳам райондаги «Ленинизм» колхозида чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмаган. Бу масала колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг чорвадорлар иштирокидаги қўшма йиғилишида муҳокама қилинди. Айни кунларда чорвачилик биноларини ремонт қилиш тугалланди, озуқа цехи фойдаланишга топширилди. Қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш ва сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди. Ферма молхоналари ва ҳовлисини чиқиндилардан тозалаш учун махсус бригада ташкил этилди.**

## ФЕРМАЛАРДА НАВБАТЧИЛИК

**ЧИНОЗ районидаги «Қизил Октябрь» колхозида чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозиргача 600 тоннага яқин сут етиштирилди. Ҳолбуки ўтган йили бу кўрсаткич 567,7 тоннани ташкил этган эди. Шунингдек, гўшт, тухум маҳсулотлари етиштириш ҳам анча кўпайди.**

**— Бу йил 2042 тонна ўрнига 2439 тонна ем-хашак жамғарган эдик,— дейди колхоз бош зоотехниги Ё. Усмонов.— Айни кунларда озуқанинг ҳар бир килограммидан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада Ўринбой Эркаев, Обод Каримов, Саттор Қаҳрамонов сингари молбоқарлар, Лола Гиёсова, Гулнора Норхўжаева каби бузоқбоқарларимиз бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.**

**Колхозда моллар зотини яхшилашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бу йил сигирлардан олинган 160 бош бузоқ тўла ва соғлом сақлаб қолинди.**

**Фермада оммавий-сиёсий ишлар намунали йўлга қўйилган. Чорвадорларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Колхоз активларининг навбатчилиги уюштирилган. Колхоз раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари М. Аҳмедов, ветеринария врачи Р. Пардақулов, техник осеменатор К. Биналиевлар чорвадорларга зарур ёрдам кўрсатиб, маслаҳатлар бериб турибдилар.**

**Фермада ҳар ўн кунда социалистик мусобақага якун ясалмоқда. Илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилиши билан бир қаторда уларнинг шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилмоқда. Ўтган давр мобайнида Комила Эркаева, Насиба Каримова, Нортожи Жўрабекова, Назира Усмонова сингари илғорлар ҳар бир сигирдан 3600—3700 литрдан сут соғиб олишга эришганликлари учун ана шундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдилар.**

**Г. МАМБЕТОВА.**

## МЕЛИОРАТОРЛАРГА ПУХТА МАШИНАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида муҳокама этилган масала қаерда ва ким бўлиб ишлашимиздан қатъий назар, ҳар биримизга таааллуқлидир. Чунки Пленумда мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш мақсади мелиорацияни кенгайтириш ва мелиорация қилинган ерлар самарадорлигини ошириш тўғрисида гап борди. Бу эса Озиқ-овқат программасининг таркибий қисмидир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко Пленумда нутқ сўзлаб нисбатан қисқа муддатларда суғориладиган ва захи қочирилган экинзорлар майдонини бир ярим баравар кенгайтириш мўлжалланганлигини, бу эса ана шу майдонлардан олинадиган деҳқончилик маҳсулотини икки баравар ошириш имконини беришини уқтириб ўтди.

Тошкентдаги экскаватор заводимиз ана шу ғоят муҳим вазифанинг ҳал этилиши билан бевосита боғланган. Чунки биз ишлаб чиқараётган машиналар айни мелиорация ишларига мўлжалланган — ҳозирги вақтда уларни Ноқоратупроқ зонасида, мамлакатнинг ерлар ҳолатини яхшилаш учун кураш олиб борилаётган бошқа кўпгина районларида учратиш мумкин.

Экскаваторларимиз янада такомиллаштирилиши мумкинлигини биламиз албатта. Бунда гап моторесурсни ошириш, металл сарфини камайтириш тўғрисида бормоқда. Конструкторларимиз, машина ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча кишилар ана шунинг устида иш олиб боришмоқда. Бизлар мелиораторлар қанчалик яхшироқ машина-механизмларга эга бўлса, ўз олдиларига қўйилган вазифалар шунчалик тезроқ ҳал этилишини тушунамиз.

**А. ЗАМЧАЛОВ,**
**Тошкент экскаватор заводи йиғувчи-слесарлари бригадири.**

